



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2018 йил 5 сентябрь, № 183 (7141) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



## МИСР ПРЕЗИДЕНТИ ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг тақдирини биноан Миср Араб Республикаси Президенти Абдулфаттоҳ Саид Хусайн Халил ас-Сиси 4 сентябрь кунни расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев кутиб олди.

Киска суҳбатдан сўнг Миср Араб Республикаси делегацияси ўзи учун ажратилган қароргоҳга йўл олди.

Ташрифнинг асосий воқеалари 5 сентябрьга мўлжалланган. Шавкат Мирзиёев ва Абдулфаттоҳ ас-Сисининг олий даражадаги учрашувларида Ўзбекистон — Миср ҳамкорлигини ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларини муҳокама қилиш, халқаро ва минтақавий сиёсатнинг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашиш режалаштирилган.

Музокаралар якунида давлат раҳбарларининг Қўшма баёноти қабул қилиниши, Ўзбекистон билан Миср ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий, туризм, фан, таълим, маданият, спорт соҳаларидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва кенгайтиришга қаратилган ҳужжатлар ва идоралараро салмоқли ҳужжатлар имзоланиши кутилмоқда.

Миср Президентининг ташрифи доирасида Тошкент шаҳрида икки мамлакат ишбилармон доираларининг бизнес форуми ва кооперацион биржасини ўтказиш ҳам кўзда тутилган.

Ў.А.

## Хамкорлик

## Яқин қўшничилик муносабатлари ривожини йўлида

Давлатимиз раҳбарининг Қирғизистонга ташрифи арафасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Н. Йўлдошев бошчилигидаги парламент делегацияси Қирғизистон Республикасида бўлди.

Унинг доирасида делегация аъзоларининг Қирғизистон Республикаси Жогорку Кенешини сикери Д. Жумабеков билан учрашуви бўлиб ўтди.

Мулоқот чоғида томонлар Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасида дўстлик ришталарини, шу жумладан, парламентлараро алоқаларни мустаҳкамлаш масалаларини муҳокама қилдилар.

Ўзбекистон ва Қирғизистон

тон давлат раҳбарларининг сиёсий иродаси туфайли мамлакатларимизнинг икки томонлама алоқалари тобора мустаҳкамланиб, ривожланаётгани таъкидланди. Хусусан, жорий йилнинг январь — июль ойларида икки мамлакат савдо айланмаси кўрсаткичи 88 фоиз ўсиб, қарийб 2 15,7 млн. АҚШ долларига етди.



## Дунё нигоҳи



## «МАЗМУНЛИ САЁХАТ ҚИЛИШНИ ИСТАЙСИЗМИ? ЎЗБЕКИСТОНГА МАРҲАМАТ!»

Юртимизнинг шонли тарихи, ранг-баранг маданияти, улкан сайёҳлик салоҳиятига Австралияда ҳам катта қизиқиш билан қаралмоқда. Ушбу мамлакатнинг туризм соҳасидаги етакчи нашри бўлмиш "Traveller" журналида "Мазмунли саёхат қилишни истайсизми? Ўзбекистонга марҳамат!" сарлавҳали мақола чоп этилган бунга ёрқин бир мисолдир.



Юқоридан қараганингизда ўлка табиати нақадар хилма-хил эканлигини тушунасиз. Осмонга бўй чўзган тоғлар, бепоён саҳролар, яшил водийлару замонавий мегаполислар — буларнинг ҳаммаси бир мамлакатга жо бўлгани хайратланарли. Шу сабабли ҳам Ўзбекистонга келсангиз, бир эмас, бир нечта мамлакатни кўргандек бўласиз", деб ёзади муаллиф — таниқли журналист, "The Sydney Morning Herald" газетаси муҳаррири Жойс Морган.

Ўзбекистон асрлар мобайнида Шарқ билан Фарбни боғлаган Буюк Ипак йўлининг юраги бўлиб

келган. Ушбу ўлканинг буюк ўтмиши ҳақидаги маълумотларни қадимги Хитой манбаларида ҳам учратиш мумкин. Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарлари минг йиллардан буён илм-фан, савдо-сотиқ ва маданият марказлари сифатида хизмат қилиб, бутун дунёдан сайёҳлар, олимлар, зиёратчиларни ўзига мафтун этиб келмоқда.

"Буюк Амир Темур даврида Ўзбек заминиде мисли кўрилмаган даражадаги бунёдкорлик ишлари олиб борилди. Темур ва теурийлар қурдирган бино ва иншоотлар ҳозирги кунгача республика шаҳарларини беэза турибди".



## ЮРТИМИЗДА МАҚОМ САНЪАТИ БАЙРАМИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 6 апрелда имзоланган "Халқаро мақом санъати анжуманини ўтказиш тўғрисида"ги қарорига асосан, 6 — 10 сентябрь кунлари юртимиз аҳли ва меҳмонлари ушбу нуфузли тадбирнинг гувоҳи бўлишади. Айни дамда эса анжуман ўтказилади манзил — Шахрисабз мақом санъати шукуҳи билан яшамокда.



Давлатимиз раҳбари Қашқадарё вилоятига ташрифи чоғида соҳибқирон бобомиз Амир Темур қурдирган Оқсаройни зиёрат қилиб, Шахрисабз қадимий меросимиз бўлган мақомларни дунёга таратиш учун энг мақбул жой эканлигини таъкидлаганди. Зеро, "Шашмақом" дунёга келган ўша давр айнан Амир Темур давлатчилиги тарихи билан чамбарчас боғлиқ.

Буюк бобомиз даврида мусиқа санъати жадал ривожланиб, чинакам уйғониш даврини бошдан кечирганлиги, созандалик ва хонандалик, мусиқа илми ҳамда бастакорлик камол топганини ҳақида кўплаб манбалар мавжуд. Уларда таъкидланишича, XVII-XVIII асрларга келиб, Шахрисабзда бухоролик ва самарқандлик санъат усталари ҳамкорлигида "Шашмақом" тароналарига рақсга тушадиган рақослар ҳамда созандалар гуруҳлари тузилган.

Анжуман муносабати билан кўплаб мамлакатлардан хофизу созандалар, сайёҳлар ва бошқа меҳмонлар Шахрисабзга ташриф буюрмоқда. Бу эса дунё микросида ушбу санъат ҳамда юртимизга бўлган қизиқувчилар сафининг ошиб бораётганини билдиради. Сўнгги маълумотларга кўра, хорижий давлатлардан 22 нафар мусиқашунос олим, 29 яккахоҳон ижрочи ва мусиқий жамоа, 21 нафар мутахассис ҳамда фахрий

меҳмон санъат байрамида қатнашиш истагини билдирган.

Президентимиз қарорига асосан, ушбу анжуман доирасида Ўзбек миллий мақом санъати марказининг Шахрисабз филиали ташкил этилди. Шахрисабзга келган меҳмонлар шаҳар Маданият саройида ташкил этилган мақом санъати музейида мақом тарихи ҳақидаги анимацион кўргазма воситалари орқали ўзларини қизиқтирган барча маълумотга эга бўла-

дилар. Шунингдек, шаҳардаги "Наврўз" маданият ва истироҳат боғи ҳамда "Дор ут-тиловат" мажмуиси ҳудудидаги хиёбонда эса онлайн тизимида ишлайдиган катта экран орқали анжуманни кузатиб бордилар.

Бугун Шахрисабз чин маънода халқаро мақом марказига айланмоқда. Албатта, бу, ўз навбатида, юртимизни, ўзбек мақом санъатини дунёга танитишга, жаҳон аҳли эътиборини эса Ўзбекистонга қаратишга хизмат қилади.

\*\*\*

Эртага бошланадиган Халқаро мақом санъати анжумани муносабати билан тайёрланган махсус саҳифани газетамизнинг 4-бетиде ўқишингиз мумкин.



MAQOM ART INTERNATIONAL FORUM SHAHRISABZ - 2018 WWW.MAQOMFORUM.UZ

40 дан ортиқ мамлакатларга тўғридан-тўғри намойиш этилади

Анжуманда 70 дан ортиқ давлатлардан санъаткорлар қатнашади, 300 дан зиёд хорижий меҳмонлар келиши кутилмоқда. Шунинг таъкидлаш жоизки, 40 дан ортиқ хорижий давлатлар телевидениелари анжуманни ўз юртига тўғридан-тўғри узатиш истагини билдирган.

## Истиқлол сурури

## «Бизнинг бош мақсадимиз — халқимизнинг розилиги»

Ушбу улугвор ният байрам кунларида юртдошларимиз ҳаётида яққол намоён бўлди.

Энг улуг, энг азиз айём — Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 27 йиллиги мамлакатимизда катта кувонч ва кутаринкилик билан нишонланди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 июнда имзоланган "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма етти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, "Азиз ва ягонаман, жонажон Ўзбекистоним!" госясини ўзида мужас-

сам этган байрам тадбирлари юртимизнинг барча ҳудудида тантана қилинди. Зеро, истиқлол деб аталмиш бебаҳо неъмат туфайли халқимизнинг орзу-умидлари, эзгу тилаклари рўйга чиқмоқда. Бу давлатимиз томонидан олиб борилаётган оқилна сиёсатнинг асосий мақсадидир. Бинобарин, Юртбошимиз байрам табригида алоҳида таъкидлагандек: "Бизнинг бош мақсадимиз — халқимизнинг розилиги. Бу Президент сифатида менинг, барча

бўгиндаги раҳбар ва мутасаддилар, депутат ва сенаторлар, бутун давлат идораларининг фаолиятига берилган энг олий ва энг адолатли баҳодир. Агар халқимиз биздан рози бўлса, Яратган ҳам рози бўлади".

Мамлакатимизнинг барча ҳудудида бўлганидек, пойтахтимиз кўчалари, маҳаллалари ҳам ҳар қачонгидан ўзгача жозоба касб этган.



2018 йил —

ФАОЛ ТАДБИРКОРЛИК, ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАР ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВATЛАШ йили

## «ЎЗБЕКИСТОН АНОРИ» БРЕНДИ



дунё бозорида ўз ўрнига эга бўлади

Анор — илдиздан баргигача шифобахш неъмат ҳисобланади. Марказий Осиёдаги анорзорларнинг тўртдан биридан кўпроги ўзбек заминиде жойлашган. Хусусан, Кува туманининг бу борада донғи кетган. Анорчилик мактаби илк бор шу ерда ташкил этилиб, бутун Осиёда тажриба сифатида ўрганилган.

Давлатимиз раҳбари жорий йилнинг 12-13 июнь кунлари Фарғона вилоятига ташрифи чоғида Кува туманидаги "Фарғона анорчилик" масъулияти чекланган жамияти фаолияти билан яқиндан танишган эди.

Учрашув чоғида анорчилик бўйича илмий марказ, Фарғона давлат университетида кафедра ташкил этиш, Инновацион ривожланиш вазирлиги билан ҳамкорликда ген технологиясини ривожлантириш ҳақидаги ғоялар билдирилди. Ўзбекистон анори бўйича бренд яратиш, Фарғона вилоятида яқин йилларда анорзорларни 20 минг гектарга етказиш, кўчатчиликни кенгайтириш, данасиз анор навларини ўзлаштириш каби режалар тузилди.

Шундан сўнг Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан 500 гектар майдонда анор ниҳолларини етиштиришга мўлжалланган кўчатхона ташкил қилиш юзасидан ташкилий ишлар бошлаб юборилди. Фанлар ака-

демиясининг Геномика ва биоинформатика марказига республикамиз ҳудудидаги қирққа яқин анор навларининг молекуляр-генетик паспортини яратиш бўйича вазифа юклатилди.

In vitro усули

қўлланилади

Одатда вегетатив йўл билан кўпайтирилган ўсимликлар ўша жойдаги касалликлар билан бирга ривожланади. Микрокловал усулда эса ўсимликлар махсус шароитда қишин-ёзин, ўн икки ой давомида ташқаридаги муҳитдан қатъи назар, кўпайтирилади.



# «Бизнинг бош мақсадимиз — халқимизнинг розилиги»

Мустақиллик тантаналари Тошкент шаҳрининг 20 дан зиёд майдон ва истироҳат боғларида нишонланди. Ушбу манзиллардаги махсус тайёрланган сахналарда қадимий урф-одатларимизга хос бўлган дорбозлар, қизқичлар, халқ театри вакиллари, аскиячилар, бадий ҳаваскорлик жамоалари, фольклор-этнография ансамбллари, цирк артистлари, бахшлар, шор ва ёзувчилар, шунингдек, эл ардоғидаги санъаткорлар, кино ва театр актёрлари иштироки айёмнинг кўтаринки руҳда ўтишида муҳим омил бўлди.

«Яши дам — меҳнатга ҳамдам», дейди доно халқимиз. Мазмунли ва оқилона дам олишни таъминлаш иш унвондорлигини оширишнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «2018 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида кўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида»ги Фармонида кўра, юртдошларимиз истиқлол байрами кунлари мамлакатимизнинг тарихий шаҳарларини зиёрат қилиш, бошқа вилоятлардаги қариндош-уруғларини ўқлаш, фарзандларини сайру саёҳат қилдириш имконига эга бўлиши.

— Жанубий Кореядан ташриф буюрдик, — дейди ўзини Брайн Кеум деб таништирган меҳмон. —

Фарғонада амалга ошираётган лойиҳамизга асосан, вилоятда кейинги йил якунига қадар электр ва иссиқлик таъминотини мустаҳкамлаб, истеъмолчиларга инновация усулида етказиб берамиз. Фарғонада илк бор бўлишим. Буни қарангки, сафарим мамлакатингизнинг мустақиллик шодиёналарига тўғри келди. Тарихий жойларни айландик. Хайратланганим, қаерга бормаилдик, одам гавжум. Сабабини сўрасак, мустақиллик байрами муносабати билан 5 кунлик таътил белгиланган экан. Бунга ҳавас қилдим. Шохимардондаги Ҳазрати Али, Бувайда туманидаги Пошпоирир, Марғилондаги Ёдгорлик мажмуалари, Кўкон шаҳридаги Худоберхон ўрдасини кўришга келган минглаб ўзбекистонликларнинг юртга меҳри зиёда эканлигини хайратландим. Таассуротларим бир олам.

Байрам кунлари кўҳна ва ҳамиса навқирон Самарқанд шаҳри ҳам юртдошларимиз билан янада гавжум бўлди. Ҳазрати Хизр, Регистон, Шохи Зинда мажмуалари, бобкалонимиз Амир Темур макбараси зиёрат қилинди.

— Қорақалпоғистон Республикасининг Эшлиқалъа туманидан келдик, — дейди Мафтуна Алланазарова. — Афсонавий азиз шаҳримизни кўриш орзусида эдик. Байрам муносабати билан беш кунлик дам олишнинг жорий этилгани боис ушбу ниятимизга эдик. Шаҳар бизда катта таассурот қолдирди. Тарихий оби-

даларни зиёрат қилдик, Сиеб бозорини айландик. Имом Бухорий мажмуасида ҳам бўлдик. Фарзандларим, набираларим жуда хурсанд. «Энди ҳар йили Мустақиллик байрамини шу тарзда нишонлайлик» дейишди. Хўп, дедим. Бизга мана шундай шарт-шароитларни яратиб берганларга мингдан-миг раҳмат.

— Турмуш ўртоғим ва фарзандларим билан Бухоро ҳамда Хива шаҳарларининг тарихий обидаларини томоша қилиш учун оилавий саёҳатга чиқдик, — дейди Қашқадарё вилоятининг Касби туманида истиқомат қилувчи Лазизбек Остонов. — «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти томонидан йўловчиларга қулайлик яратиш мақсадида дам олиш кунлари деб эълон қилинган 5 кун мобайнида йўл чипталарига 50 фоизлик чегирмалар жорий этилгандан мамнун бўлдик. Саёҳатимиз жуда кўнглили ўтди, фарзандларимда катта таассурот қолдирди. Бундай қулайликлар учун Президентимиздан миннатдорим.

Шодиёналарнинг бевосита иштирокчиси бўлиш, тарихий шаҳарларимиз, меъморий обидаларимиз билан яқиндан танишиш мақсадида кўпلىк хорижий сайёҳлар Хивага ташриф буюрди.

Статистик маълумотларга кўра, 2018 йилнинг ўтган 8 ойи мобайнида Хоразм вилоятига 57 минг нафарга яқин хорижий, 829 минг нафардан зиёд маҳаллий сайёҳ-



Боржон АБДУРАХИМОВ олган сурат.

лар ташриф буюрган. Байрам кунларида улар сони янада ортиди.

— Аввало, шундай бетакрор юртда яшашнинг ўзи катта бахт. Қолаверса, ажойиб байрамимиз муносабати билан Бухорони кўриш насиб этганидан хурсанд бўлдик, — дея тўлқинланади Наманган вилоятининг Чуст туманида яшовчи Баҳри ая Ганиева. — Кувончимиз кўшалоқ бўлди. Бухоронинг ўзига хос санъати, маданияти, илм-фани ҳақида қанча таъриф

қилсак, оз. Бу ерда сайёҳлар учун барча шарт-шароит муҳайё. Одамларнинг самимий муносабати, меҳмондўстлигидан кўнглим ёришиди. Хунармандлар кўргазмасини томоша қилиб, хайратга тушдим. Бу маҳсулотларнинг ҳар бири чинакам санъат асарининг ўзгинаси! Юртимизга кўз тегмасин, мустақиллигимиз абадий бўлсин!

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

## Тухфа

Термизда тўрт қаватли иншоот бундан ўттиз йил муқаддам бунёд этилган бўлиб, ўтган йиллар мобайнида бирор маротаба ҳам таъмирланмагани боис ночор аҳволга келиб қолганди.

## Матбуот уйининг кўркам қиёфаси

«Сантехгазмонтаж» хусусий корхонаси томонидан бу ерда амалга оширилган капитал таъмирлаш ишларига 7 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Бинонинг замонавий ташқи қиёфасига мос ички шарт-шароитлар ҳам бугунги давр талабларига мослаштирилди. Бу Матбуот уйи биноси бўлиб, унда матбуот ва ахборот бошқармаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси вилоят бўлимлари, «Сурхон тонги» ва «Заря Сурхана» бирлашган таъририяти, бошқа бир қатор даврий нашрлар қаторида, республика газеталарининг вилоятдаги мухбирлари учун ҳам алоҳида хоналар ажратилди.

Илҳом РАҲМАТОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

# «МАЗМУНЛИ САЁҲАТ ҚИЛИШНИ ИСТАЙСИЗМИ? ЎЗБЕКИСТОНГА МАРҲАМАТ!»



«Натижада қисқа муддатда республикага сайёҳлар оқими кескин ортиши кузатилаётган. Улардан бири мен бўлдим. Шу йил баҳорда Ўзбекистонга саёҳат қилиб, ўлкада кечаётган ўзгаришларнинг бевосита гувоҳига айландим. Меҳнатқаш, самимий, меҳмондўст ўзбек халқи Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида катта мақсадларни ўз олдига қўймоқда. Ўтмиш сарқитларидан озод бўлиб, янги замон сари шахдам қадамлар билан бораётган юрт менда кат-

та таассурот қолдирди», деб ёзади Жойс Морган. Юртимиз шаҳарлари ҳақида фикр юритар экан, журналист пойтахтимиз Тошкентни Марказий Осиёнинг «маданий юраги», деб атади. Шаҳримиздаги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри, Амир Темур хиёбони, Мустақиллик майдони, Тошкент метрополитени каби диққатга сазовор жойлар ҳақида батафсил маълумотлар келтиради. «Пойтахтдаги ҳар бир бино ва иншоот бир-бирини тўлдириб турибди. Ўтмиш ва келажак, Шарқ

ва Фарб услуби уйғунлашиб, ягона бир макон ҳосил қилади». «Очиқ осмон остидаги музей» — Хива ҳақида сўзлаганда, муаллиф ушбу шаҳарда сайёҳ ўзини Ўрта асрларга тўғри қолгандек ҳис қилишни билдиради. Ложувард масжидлар, баланд миноралар, мақбаралар ўзгача бир руҳ, ўзгача бир муҳит яратади. Ушбу тарихий обидалар меъморчилик санъатининг олий намунаси саналади. Бухоро тўғрисида сўзлар экан, муаллиф «Бу шаҳарга ташриф буюрган сайёҳ, дунёнинг ярмини кўрдим, деб ҳисобласа

ҳам бўлади. Лаби Ҳовуз бўйида ўтириб, кўҳна Бухоро ҳавосидан нафас олсангиз, ўзингизни янгитдан тугилгандек ҳис этасиз», деб ёзади.

Ж. Морганнинг фикрича, Ўзбекистонга келиб Самарқандни кўрмаслик, бу Парижга бориб, Эйфель минорасини кўрмаслик билан баробар.

XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида Буюк Британия ташқи ишлар вазири лавозимида фаолият юритган таниқли давлат арбоби Жорж Курзон (George Curzon) Самарқандга боргани ва ўз хотирларида ёзган «На Шарқда, на Европада буюклиги ва маҳобати унга тенг-лашадиган шаҳар йўқ» (I know nothing in the East approaching it in massive simplicity and grandeur, and nothing in Europe) деган сўзлари тарихий манбалар асосида келтирилади.

Юртимизга ташриф буюриб, бевосита гувоҳ бўлган Жойс Морганнинг туризм йўналишидаги нуфузли нашрда эълон қилинган ушбу мақола «ашил китъа»да яшовчи кўплаб саёҳат ишқибозларининг эътиборини тортди. Бу эса Австралиядан юртимизга саёҳатни истовчилар сони янада ортишига хизмат қилиши шубҳасиздир.

Анвар МИРЗАЕВ («Халқ сўзи») тайёрлади.



Ҳосан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

# Яқин қўшничилик муносабатлари ривожини йўлида



Ҳозирги вақтда ушбу кўрсаткичи яқин истиқболда 500 млн. долларга етказиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу рақамлар Ўзбекистон ва Қирғизистон муносабатлари барча йўналишда кенгайиб бораётганининг амалий тасдиғидир.

Бугун Ўзбекистондаги 90 та мактабда 7,5 мингга яқин ўғил-қизлар қирғиз тилида сабоқ оляпти. Юртимизда қирғиз тили ва маданияти, Қирғизистонда эса ўзбек тили ва маданиятини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Томонлар учрашув якунида яхши қўшничилик тамойиллари асосида мамлакатларимиз ўзаро манфаатли алоқаларни изчил давом эттириш ва ривожлантиришга ишонч билдирдилар.

Шунингдек, делегация аъзолари мамлакатимиз томонидан ўшда қурилган умумтаълим мактаби очилюши маросимида иштирок этди.

Ўзбекистон ва Қирғизистон ҳукуматлари оралиқда мувофиқ қурилган ушбу мактаб барча замонавий шарт-шароитга эга. Унинг уч қаватли биноси 630 ўринга мўлжалланган. Шунингдек, спорт зали, маж-лислар зали, тиббиёт хонаси, ошхона ва ёғги спорт мажмуасидан иборат.

Амалга оширилган мазкур лойиҳа ўзбек халқининг икки мамлакат ўртасида ўзаро яхши қўшничилик, маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантиришга муносиб ҳиссаси эканлиги қайд этилди.

Зиёда АШУРОВА, «Халқ сўзи» мухбири.

# Хорижий компаниялар билан самарали келишувларга эришилди

Жиззах вилоятида 29-30 август кунлари ўтказилган халқаро инвестиция форумида АҚШ, Хитой, Россия, Германия, Испания, Буюк Британия, Хиндистон, Туркия, Жанубий Корея, Япония, Сингапур каби 29 та давлатдан 300 га яқин хорижий компания ҳамда фирмалар раҳбарлари, дипломатик корпус вакиллари иштирок этгани халқаро ва маҳаллий ОАВ вакиллари алоҳида эътиборини тортди.

## Халқаро инвестиция форуми

— Сабаби оддий. Вилоят жуда қулай географик жойлашувга эга, бу ерда 30 дан ортиқ конлар мавжуд, — деди Жиззах вилояти хокими Эргаш Салиев. — Бу тадбиркорлик учун катта имкониятдир. Конларда мармар, цемент, оҳақ, гипс ва бошқа турдаги маъдани хом ашёларнинг захираси мавжудлиги янада диққатга сазовор.

Айтиш жоизки, имкониятлардан унумли фойдаланилаётгани туфайли жорий йилнинг биринчи ярмида ялпи ҳудудий маҳсулот ўсиши суръати 4,8 фоизни ташкил этиб, шундан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 8,3 фоиз ортган. Жами саноат маҳсулотлари ҳажми эса 1 триллион 611 миллиард сўмни ташкил этди.

— Мазкур халқаро анжуманда қатнашганимиздан мамнунимиз, — дейди Хиндистоннинг «Shayana farm»

компанияси бош директори Тивари Ашук Кумар. — Фармацевтика ва дори маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган компаниямиз ўтган йили юртингиз пойтахтида фаолият бошлаган эди. Бугун «Зомин-фарм» эркин иқтисодий зонасидаги шароит ва имкониятлар билан танишиб, инвестиция киритишга қарор қилдик.

Умуман олганда, форум якунига кўра, умумий қиймати 800 миллион доллар тенг 28 та шартнома ва 3 та меморандум имзоланган. Шундан 600 миллион тўғриван тўғри киритилган инвестициялардир.

Шунингдек, жорий ва келгуси йил давомида 25 та минтақавий, 14 та бизнес лойиҳаларини амалга оширишга келишилди.

Толибжон ЭРГАШЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

# «ЎЗБЕКИСТОН АНОРИ» БРЕНДИ



— Биз Фарғонада ташкил этилаётган анорчилик маркази учун анорларни микрокловнал усулда кўпайтириб бериш учун қизгин тайёргарлик ишларини бошлаб юбордик, — дейди Геномика ва биоинформатика маркази директори ўринбосари, биология фанлари доктори Забардаст Бўриев. — Уларни анъанавий вегетатив усулда эмас, айнан микрокловнал йўл билан кўпайтиришнинг асосий сабабларидан бири фермер хўжалиқларига, агрофирмаларга стандарт, барча талабга жавоб берадиган соғлом навларни етказиб беришдир.

Марказда махсус уникал озуқа муҳити ишлаб чиқилган бўлиб, анор шу муҳитда илдиз отиб, ри-

## дунё бозорида ўз ўрнига эга бўлади

вожланади. Қувада анор навлари жуда кўп. Лекин уларнинг айнан муайян навдаги анормийқлигини ташқи кўринишидан аниқлаш мушкул. Марказ олимлари етиштирилаётган анорнинг турини, келиб чиқишини аниқлаб беришди. Ҳозирги кунда йиғилиб қолган анор коллекцияларини текшириб, молекуляр паспортини ишлаб чиқиш ва In vitro (пробиркада микрокловнал усулда) кўпайтириш вазифаси марказ томонидан амалга оширилмоқда.

Геномика ва биоинформатика маркази ҳамда Трансгеномика ва тўқималар культураси, Маркерларга асосланган селекция лабораториялари олимлари, тадқиқотчилари Кува туманидаги «Фарғона анорчилик» агрофирмасида илмий сафарда бўлиб, хўжалиқда етиштирилаётган 15 хил анор навининг молекуляр-генетик паспортини яратиш ҳамда анор кўчатларини In vitro усулида микрокловнал кўпайтиришга қарор қилдилар.

## «Фарғона анорчилик» агрофирмасида

«Фарғона анорчилик» агрофирмаси раҳбари Мастура Сайфуддинова бошчилигида барпо этилган улкан анор плантацияси, маълум маънода, амалий жиҳатдан тажриба майдони ҳамдир. Катта тажрибага эга Мастура Сайфуддинова айни пайтда Фарғонанинг Кува ва Тошлоқ туманлари ҳамда Куваасой шаҳрида 289 гектар ерга 15 навга яқин 272 минг туздан зиёд анор кўчатларини экиб парвартишмоқда. 2025 йилгача анорзор майдонини 2 минг гектарга етказиш режалаштирилган. Улар тўлиқ ҳосилга киргач, 10 минг тонна маҳсулот етиштирилиши кутилган.

— Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йилнинг январь ойида Сурхондарёга борганларида Фарғонадаги самардорлиги паст бўлган анорчилик хўжалиқларини бирлаштириб, янги агрофирма тузиш ҳақида кўрсатма берганларидан сўнг ишларни бошлаб юбордик, — дейди Мастура опа.

Ҳозирги кунда «Фарғона анорчилик» агрофирмаси томонидан 289 гектар майдонга анор ниҳоллари экилган бўлиб, улар беш-олти йилда тўлиқ ҳосилга қиради. Ер майдонлари 154 та хонадонга бўлиб берилган, ҳар бир хонадондан икки кишидан тўрт-беш кишигача шу жойларда деҳқончилик қилади. Анор ниҳолларини парвартириш баробарида, аҳоли ўзига ажратилган ер майдонларида рўзгорга зарур бўлган турли хил сабзавотларни етиштириб даромад кўрмоқда.

Ўз навбатида, минтақамизда сув тақчилиги долзарб эканлигиндан келиб чиқиб, 20 гектар майдон томчилаб суғоришга тўлиқ ўтказилган. Боғдан даромад олина бошланганидан кейин эса томчилаб суғориладиган ер майдонлари ҳамма йилдан-йилга ошаверади.

Маҳсулотни қайта ишлаш масаласи устида ҳам бош қотирилмоқда. Исроиллик ҳамкорлар билан биргаликда анордан шарбат олиб, уни қадоклаш, парфюмерия маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича музокаралар олиб бориляпти.

## Экспорт имконияти кенгайди

Анорни қайта ишлаш бўйича замонавий технологияларни жорий қилиш, соҳанинг экспорт салоҳиятини ошириш, ўзбек анори брендини яратиш, шунингдек, анорчилик соҳасидаги илғор тажрибаларни республикамизнинг барча ҳудудидида татбиқ этиш мақсадида Фарғона давлат университетида 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб анорчилик таълим йўналиши бўйича ўқиш мuddати уч йил бўлган бакалаврият ҳамда ўқиш мuddати бир йил бўлган магистр мутахассислари тайёрлаш бўйича ташкилий ишлар амалга оширилмоқда. Инновацион ривожланиш вазирлиги қошидаги жамғарма ҳисобидан ушбу мутахассислик бўйича илмий изланишлар олиб бораётган эш олимлари хориждаги етакчи илмий марказларга қисқа мuddатли стажировкаларга жўнатиш кўзда тутилган.

— Агрофирмамизда етиштириладиган анорларнинг 60 фоизи экспортга мўлжалланган, бир қисми

юртимиз бозорларида сотилса, қолгани қайта ишлашга йўналтирилади, — дейди М. Сайфуддинова кенг далаларга назар ташларкан. — Агар агротехника бўйича махсус қўлланмалар, йўриқномалар ишлаб чиқилса, маҳсулотимизнинг экспортбалиги янада ошади. Бизнинг анорчилик фирмамиз анорчилик йўналишида таълим олаётган ёшлар учун тайёр тажриба участкаси бўлади, тадқиқотчиларимиз эса бу ердан ишлаб чиқариш лабораторияси сифатида фойдаланишлари мумкин. Айтганча, келишим ҳам биолог, бу йил ўқишини битириб олса, ёнимга қўшилиб, агрофирмамизнинг ривожланишига ўз ҳиссасини қўшади, деган умиддамиз.

Вазирлар Маҳкамасининг «Фарғона вилоятида анор етиштиришни кўпайтириш ва соҳани ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори лойиҳасида Анорчилик илмий инновацион маркази фаолиятини йўлга қўйиш ҳамда кўчатчилик лабораториясини ташкил этиш ишларини молиялаштириш, уларни келгусида ривожлантириш ва бу соҳада илмий тадқиқот ишларини олиб бориш, янги анор навларини яратиш ва амалий семинарлар ташкил этиш каби вазифалар Инновацион ривожланиш вазирлиги зиммасига юклатилиши назарда тутилмоқда. Демак, олдинда ҳали қилинажак ишлар кўп.

Шойим БЎТАЕВ.

Она табиат

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркменистон

Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг таклифига биноан 24 август куни Туркманбашо шаҳрида бўлиб, Оролни кутқариб халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлар раҳбарлари кенгашининг мажлисида иштирок этди ва нутқ сўзлади. Давлатимиз раҳбари ўз нутқида Оролбўйи ҳудудини Экологик инновация ва технологиялар зонаси, деб эълон қилиш масаласини кўриб чиқишни таклиф этди. "Бизнинг ташаббусларимизни ҳар томонлама муҳофаза қилиш мақсадида келгуси йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ва Глобал

экологик фонд кўмагида махсус конференция ташкил этилишини таклиф қиламиз", деди Президентимиз. Маърузада чўл шароитига чидамли ва озуқа ўсимликлари кўчатларини етиштириш бўйича Минтақавий марказ ташкил қилиш таклифи ҳам илгари сурилгани Орол денгизи муаммосини бартраф этиш борасида дадил амалий қадамлар қўйилаётганини намоён этади. Шу маънода, минтақамиз ва дунё экологик мувозанатида муҳим аҳамият касб этган мазкур масала Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари диққат марказида туришининг ўзидек таҳсинга сазовор ҳодиса сифатида тарих саҳифаларига муҳрлиниб қолади.

ОРОЛГА ҳаёт нафаси қайтмоқда

Бир неча ой бурун Европа иттифоқи томонидан молиялаштирилаётган "UzWaterAware" лойиҳаси доирасида Марказий Осиё минтақавий экология маркази, Ўзбекистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва туман ҳўкимликлари кўмагида медиатур ўтказилган эди. Натихада оммавий ахборот воситалари ходимлари, блогерлар Оролбўйи ҳудуди ҳамда Орол ҳавзасида денгизнинг бугунги кундаги аҳволини ўз кўзлари билан кўриб, яқиндан танишиш имконига эга бўлдилар.

ган эди! Тўсатдан келган офат барчани чўчишиб кўйган, атиги бир неча соат илгари мовий денгиз узра сузиб юрган қайиқлар сувсиз қолган балиқдек бир томонга ёнбошлаган эди. Бу Орол денгизининг илк исёни эди. Аслида, бу офат тўсатдан юз бермаган. Суви камайиб бораётгани ҳақида оқ чорлоқлар ўз илларини ташлаб кетиши, балиқларнинг айрим турлари қўрилиб, қолгани ўз маконини тарқ этиши орқали йиллар давомида ишора бериб келган. Лекин табиатнинг бу бонги гофил одамларнинг кўзини оча олмаган эди. Рафаэль Матевосян бу ҳодисадан қаттиқ таъсирланиб кўлаб суратлар чизди. Орол денгизини тараннум этувчи ушбу бебаҳо асарлар ҳозир Мўйноқдаги ўлкашунослик музейида сақланмоқда.

Кўнғиротликларни ўйлантирган муаммо

Кўнғирот ҳудуди жиҳатидан юртимиз умумий майдонининг 12 фоизини, Қорақалпоғистоннинг эса 46 фоизини эгаллаган, 7 млн. 600 минг гектарга эга энг чеқка ҳудуддир. 126 минг 800 нафар аҳолига эга Кўнғиротнинг катта қисмини Устюрт пасттекислиги ташкил этади. Кўнғирот шаҳридан чиқишиниз биланқ, беповн чўл бошланади.

Туманимизга Амурдарадан келадиган сувдан оқилона фойдаланиш учун махсус қурилмалардан фойдаланянимиз, — дейди туман ҳўкимининг ўринбосари Бахтиёр Камолов. — Оролнинг қуриган ўзаналяридан кўтарилган чанг-тўзонларни тўхтатиш учун ўрмон ва бутазорлар бунёд қилянимиз. Дарҳақиқат, денгиз ўрнида ҳосил бўлган чўлни намлантириб туриш учун табиий ёгингарчиликдан ташқари, ишлаб чиқаришда фойдаланилган сувнинг оқибди турилиши ҳам ижобий самара бермоқда. Аммо мутахассисларнинг таъкидлашича, бу йил об-ҳавонинг ноқулай келиши чўлнинг намланишини қийинлаштирмоқда, демак, тузни тўхтатиш осон кечмайди.

Сахро бағридаги ўзгаришлар

Давлатимиз раҳбарининг ўтган йил 28 февралдаги "2017-2018 йилларда Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ туманини иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қароридан сўнг туманда катта ўзгаришлар рўй берди. Болалар боғчалари, мактаблар, шифохоналар, маийий хизмат кўрсатиш шохобчалари таъмирдан чиқарилгани боис шаҳарча замонвий қиёфа касб этди.

— Аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича фойдали лойиҳаларни амалга оширмоқдамиз, — дейди туман ҳўкими Сайлаубай Данияров. — Минерал тузлар ишлаб чиқариш, иссиқхоналар қуриш, чорвачиликни ривожлантириш борасидаги ишлар шулар жумласидан. Натихада ўтган йили 1000 дан ортиқ иш ўринлари яратилди. "Обод қишлоқ" дастурига кирган Учсой қишлоғида бюджет ҳисобидан 101 оиланинг уйи таъмирлаб берилди.

Мўйноқ илгари порт-шаҳар бўлган. Дунёнинг бошқа ҳеч ерида учрамайдиган табиат манзараси, қаньонлар, чинқлар, қадимий қабристонлар, саксувалзорлар Орол денгизининг бир маҳаллар тўлқин кўчиб турган манзарасини эсга солади. Мўйноқ ўлкашунослик музейидаги экспонатлар унинг ўчмас тарихидан ҳикоя қилади.

Устюрт қаньонлари

Устюрт платосида табиат миллиони йиллар давомида қоя тошларни шундай маҳорат билан тарашлагани, ҳайбати ва гўзаллиги ақлни шоширади.

— Устюрт қаньонлари 16 — 18 метрдан бошлаб 127 метргача баландликка эга, — дейди Орол тарихининг жонқуяр мутахассиси, тарих фанлари номзоди Октябр Дўсанов. — Тахминларга кўра, қаньонлар 6 млн. 700 минг йил илгари дунё океани тубида ҳрсил бўлган. Бу икки шамол учрашадиган жой, деб аталади. Фарб ва Шимол шамоллари учрашганда океан остида қатламлар пайдо бўлган. Иқлим ўзгариб, дунё океани бўлинган, ер юзига қиқши натижа-сида Орол, Каспий денгизлари ҳрсил бўлган. Агар синчилаб эътибор берилса, бу ерлардан чиганоқларни ҳам топиш мумкин.

Амурдаранинг суви Орол денгизига етиб бормаи, қумга сингиб кетавергач, бунинг олдини олиш мақсадида Амурдара дельтасини тўсиб, турли кўллар юзгага келтирилган. Ҳозирги кунда ўша кўлларда балиқчилик йўлга қўйилгани аҳолининг турмуш шароити

ти яхшиланишига хизмат қилмоқда. Ана шундай кўллардан бири Судочьедин. Бу кўл ёқасидаги Урга қишлоғида бир пайтлар Россия империяси томонидан сургун қилинган старообрядчилар (эски дин муҳиблари) қабристини мавжуд. Октябр Дўсановнинг айтишича, илгари орол бўлган бу ердан одамлар қайиқлар орқали катта ерга етиб олишган. Ҳозир сув қочгани учун ороллар ер билан бирлашиб кетган. Бугунги кунда Судочье қўлида балиқчилик ривожланиб, аҳолининг катта қисми иш билан таъминланди.

Яна бир Қибла-Устюрт, деб номланган

рени сақлаб қолиш, қолгандан оқилона фойдаланиш керак. Жамоатчилик фикрини ҳам фожиа асоратларига эмас, бу вазиятдан чиқиб йўллариға қаратиш лозим.

Денгиз билан юзма-юз

Яқин-яқин вақтларгача Орол денгизи Марказий Осиё иқтисодиёти, айниқса, озик-овқат саноатини ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва барқарор инфратузилмани шакллантиришда му-



Амурдаранинг суви Орол денгизига етиб бормаи, қумга сингиб кетавергач, бунинг олдини олиш мақсадида Амурдара дельтасини тўсиб, турли кўллар юзгага келтирилган. Ҳозирги кунда ўша кўлларда балиқчилик йўлга қўйилгани аҳолининг турмуш шароити яхшиланишига хизмат қилмоқда.

қўрғонча аҳолиси илгари туман марказига "Ан" русумли самолётлар билан қатнашган. Ҳозир эса қўрғонча марказдан ўзилиб қолган.

— Бизда деҳқончилик қилишининг имкони йўқ, аммо ҳамминиз ўзига яраша чорваси бор, — дейишади шу ерлик кексалар.

Қўрғончада боғча бўлмаса-да, тўққиз йиллик мактаб фаолият кўрсатади. Сув, газ билан таъминланган. Аммо Кўнғиротгача олиб борадиган 130 км. масофадаги йўл талаб даражасида эмас, қишда умман юриб бўлмаиди, даштин қор босса, адашиб қолиш ҳеч гапмас. Йўл бўйида қирқ километрдан кейин уқрайдиган битта қўрғонча ҳам сахро бағрида адашиб қолиш ҳавотиридан ҳеч қимни халос қила олмаиди.

Қайси бири ортга чекинади?

Туз кўллигидан оппоқ тус олган тупроқ оёқ остида ҳудди қордек гинирлайди. Чўлда чиганоқларнинг сочилиб ётгани "Қўрғансамни, яқиндагина бу ерлар денгиз эди, энди эса чўлга айланди", дегенгадек, гўё. Қисқа қурсатда, бир авлод кўз ўнгиде қуриб бораётган денгиз ўрнида ҳрсил бўлган Оролқум саҳраси ҳали денгиз қолдиқларидан буткул қутулмагани учун ўзини ноқулай сезаётгандек туйилади. Чўл бостириб келаётгани билан денгиз ҳам таслим бўлмапти. Уларнинг кураши кўз ўнгимизда рўй берапти. Албатта, бу курашда одамлар денгиз томониде. Кучлар тенг бўлмагач, бо-

хим ўрин тутар эди. Айтишларича, Оролбўйи сув ҳавзаларида йилига 35 минг тоннагача балиқ овланган, Амурдара ва Сирдарё миллионлаб одамларнинг қишлоқ ҳўжалиғида иш билан бандлигини таъминларди. Сўнгги эллик йилда Орол денгизининг суви салкам 14 баробар камайди, шўрланиш даражаси эса 25 баробар ортди. Натихада денгиздаги балиқ ва бошқа мавжудотлар деврли йўқолиб кетди.

Аслида, Оролбўйида рўй бераётган фожиа кўламини рақамлар билан ифодалаб бўлмаиди. Денгизнинг қуриши бутун Марказий Осиёда иқлим кескин ўзгаришига олиб келди, ёзининг ўта иссиқ, қишининг ўта совуқлиги, тоғлардаги музликларнинг эриши тезлашгани вазиятни янада оғирлаштирди. Бугунги кунда Оролни тўлик тиклаш имкони йўқлиги аён бўлмоқда. Унинг қуриган қисмида ҳрсил бўлган миллионлаб гектардан ортиқ майдондаги янги сахро тобора кенгайиб бормоқда. У ердан ҳар йили 100 миллион тонна чанг ва туз атмосферага кўтарилиб, анча олимларга тарқалмоқда.

Эндиликда бу офатнинг олдини олишга қаратилган тезкор чоралар қўрила бошлади. Энг аввало, Амурдара суви қумга сингиб кетишининг олди олиниб, алоҳида сув ҳавзаларида балиқчиликни ривожлантириш йўлга қўйилди. Табиатнинг муъжизалари бисёр. Орол денгизи суви таркиби ўзгаргач, ҳамма жонзот қўрилиб кетса-да, артемиялар унда жон сақлаб қолди. Қизил рангли бу майда жонзотлар савдоси билан шуғулланиш ҳозирги кунда ҳудудда анча кенгайиб бормоқда. Балиқчилик соҳасини ривожлантиришда артемия циста-

ларини кўпайтириш яхшигина самара бераётганини кўпчилик тушуниб қолди. Бугунги кунда Орол денгизидан артемия цисталарини йиғиб олиб сотиш билан шуғулланувчи ўндан ортиқ фирма ва корхоналар мавжуд. Улар балиқчилик билан шуғулланувчи корхоналарга етказиб берилиши билан бирга, четга ҳам экспорт қилинмоқда.

Эндиликда туризм соҳасини ривожлантириш борасида олиб борилаётган изчил сиёсат денгиз соҳилида ҳам сайёҳлар оқими кўпайишида муҳим омил бўлмоқда. Бу ерларда дам олиш ҳудуд-

лари барпо этиляпти. Дунёнинг турли мамлакатларидан келаётган сайёҳлар одамзоднинг тузатиб бўлмаас ҳатоси туйғайли ҳалокатга юз тутган денгизини ўз кўзлари билан кўриб, ҳулосалар чиқаришади. Денгизнинг суви сақланиб қолган Оқтўқсик бурунида сайёҳлар сайр қилиши, тузли сувда чўмилиши ва бетакорор Орол, Устюрт ландшафтларидан баҳраманд бўлишлари мумкин. Бунинг учун 12 ўтовдан иборат туристик мажмуа ташкил этилди. Оролбўйида юзгага келган экологик мувозанатни мустаҳкамлаш, чўланишга қарши курашиш, сув ресурсларини тежаб-тергаб фойдаланиш, Оролбўйи аҳолисининг генефонди ва саноатлигини сақлаш учун шароит яратиши, аҳоли турмушини яхшилашга катта эътибор қаратилаётган бугунги кунда Оролни кутқариш халқаро жамғармасига аъзо мамлакатлар Оролбўйини қайта тиклаш ва ривожлантириш бўйича миллий дастурларни амалга оширмоқда. Сувни тежайдиган замонвий технологиялар бу ерда кен жорий этилаётгани ҳам юртимизда кенаётган ўзгаришларнинг, тоза нафаснинг ҳосиласидир. Туз буронлари минтақача ҳаф солишини камайтириш мақсадида Оролқумнинг 310 минг гектардан зиёд ерида саксувалзорлар яратилди, ўрмон ва тўқайлар барпо этилаётгани туйғайли туз кўйрмайдиган яшил белбоғлар пайдо бўлди. Мухтасар айтганда, Оролга ҳаёт қайтмоқда.

Дилфоза СОБИРОВА. Тошкент — Нукус — Қўнғирот — Орол — Мўйноқ — Тошкент.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚўМИТАЛАРИ ВА ИДОРЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РўЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТўГРИСИДА 2018 ЙИЛ 30 ИЮНДАН 6 ИЮЛГАЧА БўЛГАН МАЪЛУМОТНИ ХАБАР ҚИЛАДИ.

- 1. Давлат рўйхатидан ўтказилди: 1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 28 апрелдаги 16/18-сон "Банк хизматлари истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда тижорат банкларининг фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида"ги қарори. 2018 йил 2 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3030. (2018 йил 4 октябрдан қучга кирди). 2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 26 майдаги 19/3-сон "Ўзбекистон Республикаси банкларида статистик ҳисоботни ташкил этиш қоидаларини, шунингдек унга ўзгаришларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида"ги қарори. 2018 йил 2 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 680-2. (2018 йил 3 июлдан қучга кирди). 3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 26 майдаги 19/2-сон "Тижорат банкларида статистик ҳисоботларни юритиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида"ги қарори. 2018 йил 3 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3031. (2018 йил 3 июлдан қучга кирди). 4. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг 2018 йил 18 июндаги 6-м-сон "Мақтабача таълимга қўйиладиган давлат талабларини тасдиқлаш ҳақида"ги буйруғини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида"ги буйруғи. 2018 йил 3 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2898-1. (2018 йил 3 июлдан қучга кирди). 5. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар ҳавфсилигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2018 йил 19 июндаги 114/6-сон "Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудида фўқаро ва экспериментал авиациясининг парвоз қилиш авиация қоидаларининг (УЭР АҚ-91) 1 боб биринчи параграфига ўзгариштириш киритиш тўғрисида"ги буйруғи. 2018 йил 3 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1723-10. (2018 йил 3 июлдан қучга кирди). 6. Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазирининг 2018 йил 18 июндаги 1-м-сон "Ўзбекистон Республикасининг илк ва мактабгача ёшдаги болалар

- ривожланишига қўйиладиган Давлат талабларини тасдиқлаш ҳақида"ги буйруғи. 2018 йил 3 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3032. (2018 йил 4 июлдан қучга кирди). 7. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлигининг 2018 йил 28 майдаги 19, 100-сон "Ўзбекистон Республикаси Товар-ҳом шай биржаси биржа савдоларида омикта емини сотиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида"ги қарорини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида"ги қарори. 2018 йил 3 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1884-1. (2018 йил 4 июлдан қучга кирди). 8. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлигининг 2018 йил 28 майдаги 18, 99-сон "Омикта емини савдолари орқали реализация қилиш (сотиш) тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида"ги қарори. 2018 йил 3 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3033. (2018 йил 4 июлдан қучга кирди). 9. Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси, Ўзбекистон стандартиштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2018 йил 12 июндаги 7, К-13-сон "Маийий истеъмолчиларнинг электр энергиясини ҳисобга олиш приборларини қиёслашдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низома ўзгаришлар ва қўшимча қилиш ҳақида"ги қарори. 2018 йил 3 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2736-2. (2018 йил 4 июлдан қучга кирди). 10. Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирининг 2018 йил 4 июндаги 14/6-сон "Давлат илмий-техника дастурлари доирасида яратилган интеллектуал мулк ҳўқуқлари (патентларни) хорижда рўйхатдан ўтказиш ва қўллаб-қувватлаш харажатларини тўлаш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида"ги буйруғи. 2018 йил 5 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3034. (2018 йил 6 июлдан қучга кирди). 11. Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирининг 2018 йил 4 июндаги 14/4-сон "Илмий лабораторияларни яратиш ва қўшимча жиёзлаш бўйича тановаларни ўтказиш, шунингдек зарур сарфлаш мате-

- риаллари ва бутлоқчи қисмлар билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида"ги буйруғи. 2018 йил 5 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3035. (2018 йил 6 июлдан қучга кирди). 12. Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирининг 2018 йил 4 июндаги 14/5-сон "Еш олимлари етаци хорижий илмий ташкилотларда (марказлар, университетлар ва бошқалар), шу жумладан илмий лабораторияларни жиёзлаш учун сотиб олиннадиган юқори технология асбоб-қўрунларда ишлаш методикасини ўзлаштириш учун қиқса мудалати илмий стажировкаларга юбориш мақсадида уларни танлов асосида саралаш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида"ги буйруғи. 2018 йил 5 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3036. (2018 йил 6 июлдан қучга кирди). 13. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2018 йил 6 июндаги 154-сон "Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги оозлиқдан маҳрум қилиш туридаги жазони ижро этиш муассасаларининг ички тартиб қоидаларига ўзгариштирил киритиш тўғрисида"ги буйруғи. 2018 йил 5 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2495-2. (2018 йил 6 июлдан қучга кирди). 14. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2018 йил 6 июндаги 155-сон "Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тергов хўбоналарининг ички тартиб қоидаларига ўзгариштирил киритиш тўғрисида"ги буйруғи. 2018 йил 5 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2456-2. (2018 йил 6 июлдан қучга кирди). 15. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 5 июндаги 356-м-сон "Идораий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларига ўзгариштирил киритиш тўғрисида"ги буйруғи. 2018 йил 5 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2565-6. (2018 йил 6 июлдан қучга кирди). 16. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2018 йил 19 июндаги 01-02/20-49, 16/24-сон "Ўзбекистон Республикаси бож-

- хона чегараси орқали радиоэлектрон воситалар ва юқори частотада қўрилмаларни олиб ўтиш тартибига ўзгариштирил киритиш тўғрисида"ги қарори. 2018 йил 5 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 526-6. (2018 йил 6 июлдан қучга кирди). 17. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 14 июндаги 01-02/12-47-сон "Импоррт қилинадиган товарларни божхонада расмийлаштиришда даврий божхона декларациясини тақдим этиш тартиби тўғрисида низоми тасдиқлаш ҳақида" қарор, шунингдек унга ўзгаришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида"ги қарори. 2018 йил 5 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2419-3. (2018 йил 6 июлдан қучга кирди). 18. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 14 июндаги 01-02/12-45-сон "Бир ташқи савдо шартномаси доирасида айнан бир хил товарларнинг божхона расмийлаштирувини даврий божхона юқ декларациясини тақдим қилиш йўли билан амалга ошириш тартиби тўғрисида низоми тасдиқлаш ҳақида"ги қарори. 2018 йил 5 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3037. (2018 йил 6 июлдан қучга кирди). II. Давлат реестридан чиқарилиди. 1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг Ўзбекистон Республикаси банкларида статистик ҳисоботни ташкил этиш қоидаларини (рўйхат рақами 680, 1999 йил 22 март), шунингдек унга ўзгаришлар (рўйхат рақами 680-1, 2002 йил 5 октябр). Адлия вазирининг 2018 йил 2 июлдаги 343-м-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилиди. 2. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг "Мақтабача таълимга қўйиладиган давлат талабларини тасдиқлаш тўғрисида"ги буйруғи (рўйхат рақами 2898, 2017 йил 17 июль). Адлия вазирининг 2018 йил 3 июлдаги 345-м-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилиди. 3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлигининг "Ўзбекистон Республикаси Товар-ҳом ашё биржаси биржа савдоларида омикта емини сотиш

- тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида"ги қарори (рўйхат рақами 1884, 2009 йил 16 январь). Адлия вазирининг 2018 йил 3 июлдаги 348-м-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилиди. 4. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг "Импоррт қилинадиган товарларни божхонада расмийлаштиришда даврий божхона декларациясини тақдим этиш тартиби тўғрисида низоми тасдиқлаш ҳақида" қарори (рўйхат рақами 2419, 2013 йил 30 январь), шунингдек унга ўзгаришлар (рўйхат рақами 2419-1, 2014 йил 24 ноябрь), (рўйхат рақами 2419-2, 2016 йил 7 апрель). Адлия вазирининг 2018 йил 5 июлдаги 358-м-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилиди. 5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг "Ломбада томонидан ҳисоботлар тақдим этиш тартиби тўғрисида низоми тасдиқлаш ҳақида"ги қарори (рўйхат рақами 1289, 2003 йил 10 декабрь), шунингдек унга ўзгаришлар (рўйхат рақами 1289-1, 2013 йил 20 февраль). Адлия вазирининг 2018 йил 5 апрелдаги 206-м-сон буйруғига асосан 2018 йил 6 июлда давлат реестридан чиқарилиди. 6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг "Микрокредит ташкилотлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига молиявий ҳисоботларни ва электрон маълумотларни тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида"ги қарори (рўйхат рақами 2322, 2012 йил 3 февраль), шунингдек унга ўзгаришлар (рўйхат рақами 2322-1, 2017 йил 4 декабрь). Адлия вазирининг 2018 йил 5 апрелдаги 206-м-сон буйруғига асосан 2018 йил 6 июлда давлат реестридан чиқарилиди. Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгариштириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилиди.

# ЮРТИМИЗДА МАҚОМ САНЪАТИ БАЙРАМИ

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 17 ноябрдаги “Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 2018 йил 6 апрелдаги “Халқаро мақом санъати анжуманини ўтказиш тўғрисида”ги қарорлари ўзбек мумтоз мусиқаси тарихида янги даврни бошлаб берган муҳим ҳужжатлар бўлди. Уларда мақом санъатини янада ривожлантириш борасида аниқ вазифалар белгилаб берилган.

Анжуман 2018 йилдан бошлаб, ҳар икки йилда бир марта Шаҳрисабз шаҳрида ўтказилади.

Унда қуйидаги тадбирлар ўтказилиши режалаштирилган:

- ✓ “Мақом мусиқа санъатининг жаҳон цивилизациясида тугган ўрни” мавзuida илмий-амалий конференция;
- ✓ жаҳон ва Ўзбекистон мақомот санъати усталарининг яққа концертлари;
- ✓ мақом ансамбллари, хонанда ва созандаларнинг кўрик-танлови;
- ✓ сайиллар, мамлакатимизнинг дунёга машҳур шахслари ҳаёти ҳамда ижодий фаолияти ҳақида замонавий ва креатив усулда саҳналаштирилган дастур намойишлари;
- ✓ мақом санъати тарихига оид кўргазма, ўзбек, форс, араб, инглиз ва рус тилларида нашр этилган илмий асарлар ҳамда илмий-маърифий адабиётлар намойиши.



## Ўлмишининг буюк ёдгорлиги

Шаҳрисабз — Буюк Ипак йўлида жойлашган, қадимий, машҳур шаҳарлардан бири. Шаҳрисабз Самарқанддан 80 километр Жанубда, Тахта-Қорача тоғ тизмасида жойлашган. Бугунги кунда шаҳарда кўпгина меъморий ёдгорликлар мавжуд. Унинг тарихий маркази ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мероси объектлари рўйхатида киритилган. Бу шаҳар буюк кўмондон, соҳибқирон Амир Темури туғилган юрт номи билан ҳам машҳур. Илгари Шаҳрисабз қадимги Суғд давлатининг пойтахти бўлиб, Кеш деб номланган. У маданият, савдо ва хунармандчиликнинг маркази эди.



## Бадий дурдона

Мақом мусиқа ижодиётининг бошқа турларидан бадий мукамаллиги, куй ҳамда шакл тuzилишлари, лад ва усул тизимлари ҳамда илмий ва амалий асослари пухта ишлангани билан фарқ қилади. Мақом мусиқа, шеърият ҳамда рақс санъатларини мужассамлаштирувчи муштарак бадий дурдонадир.

Ўзбекистонда мақом асарлари ва туркумлари — Бухоро “Шашмақом”и, “Хоразм мақомлари” ҳамда “Фарғона — Тошкент мақом йўллари” туркумлари, шунингдек, унинг локал вариантлари — “Тошкент ироғи”, “Кўкюн ироғи”, “Самарқанд ушшоғи”, Фарғона “Сурнай мақом йўллари”, Хоразм “Дугтор мақом туркуми”, “Феруз” туркуми ва бошқалар мавжуд.



MAQOM ART INTERNATIONAL FORUM SHAHRISABZ-2018  
WWW.MAQOMFORUM.UZ



## Соҳибқиронни ҳайратлантирган наво

Темирйиллар даврида яшаган Хожа Абдулқодир Мароғий, манбаларда зикр қилинишича, соҳибқирон газабига учраган, бир қанча вақт ёлғиз яшаб, қаландарона ҳаёт кечирди.

Кунлар ўтди. Саркарда ўз лашкари билан Ироққа юриш қилиш ҳаракатига тушди. Бундан хабар топган Абдулқодир Амирнинг қулোগа етиб борадиган бир назм тузишга қарор қилди. Шундай ҳаёлда у бир газал битди, уни басталади. Сўнг темирчиқа бориб, шу куй нағмаларини ҳосил қилувчи ҳар хил катталиқдаги кўнғирокчалар ясади. Сарбон билан маслаҳатлашиб, бу кўнғирокчаларнинг қайси туяга осилиши кераклигини ҳам келишиб олди ва куйни беҳато ҳосил қиладиган бир тартибда туяларга остирди. Карвон йўлга чиқди. Туялар ҳаракатга келиб юра бошлагач, белгилаб қўйилганидек куй чалина бошланди. Соҳибқирон мусиқа илмидан хабардор эди, мусикани яхши тушунарди. Кўнғирокчалардан таралаётган бу ёқимли куй Амирни бефарқ қолдирмади. Бу куй “Ироқ” мақоми йўлида яратилган бўлиб, уни бастакор “Амали тарона” деб атаган эди. Темур куйга эътибор қилар, куй эса ўз оҳангидан адашмасди. Шунда у сарой мусикашуносларининг пешқадами бўлиб қолган, айна пайтда бош хонандалик вазифасида турган ва ушбу тадбирдан огоҳ Хожа Абдуллоҳ Лорийни хузурига чорлаб, унга деди:

— Муғанний, эшитяпсанми, бу кўнғирокчалар бир чиройли куй чиқармоқда.

— Шохим, — деди Лорий, — бир беғуноҳнинг гуноҳидан кечсангиз, мен бунинг сирини айтаман.  
Амир:  
— Бўпти, мен унинг гуноҳидан кечдим, — деди.  
— Хожа Абдулқодир сизга ўзининг содиқлигини изҳор қилиш ниятида “Ироқ” мақоми йўлида ушбу куйни басталади, — деди меҳтар ва Амир қошида ана шу янграб турган куй жўрлигида Абдулқодир ёзиб берган янги газални куйлай бошлади:  
Чун мирави сўйи Ироқ фаромушам накун...  
(Мазмуни: Ироқ сари йўлга чиқсанг, мени унутма).

Натижада Амир Абдулқодирнинг содиқлигига шубҳа қилмай, унга аввалгидек марҳаматлар кўрсата бошлади.

«Халқ сўзи» муҳбири Мақсуд ЖОНИХОНОВ тайёрлади.

## Юнус Ражабий номидаги ансамбль

Ўзбекистонда дастлаб илк профессионал мақом ансамбли фольклоршунос, Ўзбекистон халқ артисти, академик Юнус Ражабий томонидан 1959 йили ташкил этилган.

Ансамбль томонидан 1960 — 1962 йилларда “Шашмақом” ва “Тошкент — Фарғона мақом йўллари” туркумларига кирувчи чолғу ва асосан, ашула йўллари илк бор граммпластинга ёзила бошланган ва нашр этилган.

1976 йилда ансамбль раҳбари, академик Юнус Ражабий вафотидан сўнг Ўзбекистон халқ артисти Ориф Алимаҳсумов, Ўзбекистон санъат арбоби Шавкат Мирзаев, Ўзбекистон халқ артисти Фанижон Тошматов, Ўзбекистон халқ хофиси Исроил Ваҳобов унга раҳбарлик қилди. Айна пайтда ансамбль раҳбари — Ўзбекистон халқ артисти Абдухалим Исмоилов.

Мақом ансамбли аъзолари шу кунга қадар бир неча чет мамлакатларда ижодий сафарларда бўлиб, ўз концерт дастурларини намойиш қилиб келишган. Узоқ йиллар давомида бу даргоҳда етук хонанда ва созандалар хизмат қилишган.

## Ноёб музей

Ўзбек мақом санъати мумтоз ва замонавий ижро намуналарининг фондиди яратиш ҳамда музей ашёлари ва коллекцияларини илмий тадқиқ қилиш ишларини кучайтириш, унинг натижаларини эълон қилиб бориш Шаҳрисабздаги музей фаолиятининг асосий вазифалари сирасига киради.

Айна пайтда анжуманга тайёргарлик жараёнлари қизгин тус олган. Хусусан, совриндорларга топшириладиган диплом, сертификат лойиҳалари, статуэтка намуналари ишлаб чиқилди.

Миллийликни ўзида акс эттирувчи либослар, актёрлар жойлашуви ва Оксарой худуди атрофида уларнинг юришларини ташкил этиш, майдонларни худудлар кесимида тақсимлаш, уларга хос бўлган миллий урф-одат, анъана ва қадриятлар акс этган сценарий ҳамда дастурлар лойиҳалари, мос мусиқий кетма-кетлик ва видеороликлар тайёрланмоқда. Ўзбек, рус, инглиз тилларида “Мақом нима?” деб номланган китоб нашр этилди.

## Эътироф



## Мумтоз куй-қўшиқлар оламига сафар қиламиз

— 2018 йил мен учун унутилмас таассуротларни туҳфа этди. Президент Шавкат Мирзиёев Фармонига биноан “Ўзбекистон Республикаси халқ артисти” унвонига сазовор бўлдим. Бу эъзоздан бошим осмонга етди. Айна пайтда эса Шаҳрисабзда ўтказиладиган Халқаро мақом санъати анжуманига таклиф этилганимдан беҳад шодман. Ўзбек санъатини дунёга ёйишда ушбу анжуманининг аҳамияти бекиёс. Унда мумтоз куй-қўшиқлар оламига сафар қиламиз. Санъат кадрланган, тинчлик, осудалик улугланган юртда мана шундай нуфузли, байрамона тадбирлар ташкил этилади. Бунга фақат ҳавас қилиш керак.

Иро МАЛАКОВ,  
Ўзбекистон Республикаси халқ артисти.

## Анжуман бизни эзгу мақсадлар йўлида бирлаштиради

— Юртимиздан олисда яшасамда, қалбим Ўзбекистонда. Бу ердаги ҳар бир ўзгаришдан қувонаман. Шу кунларда эса ўзгача ҳаяжон билан Халқаро мақом санъати анжуманини кутяпман. Санъат дунё халқларини эзгу мақсадлар йўлида бирлаштиради. Халқаро мақом санъати анжуманидан кўзланган мақсад ҳам шу. Бу тадбир ўзбек миллий мақом санъатининг ноёб намуналарини кенг тарғиб қилиш, уни асраб-авайлаш ва ривожлантириш, ёш авлод қалбига миллий мумтоз санъатимизга ҳурмат туйғусини кучайтириш, халқлар ўртасидаги дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш, ижодий ҳамкорлик, маданий-маънавий муносабатлар доирасини халқаро миқёсда кенгайтиришга хизмат қилиши билан ҳам аҳамиятлидир.

Муҳаббат ШАМАЕВА,  
Ўзбекистон Республикаси халқ артисти.



## Янги истеъдодлар номи, албатта, жаранглайди

— Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 2018 йилда Ўзбекистонда мақом санъати бўйича халқаро мусиқа анжумани эшитиб, хурсанд бўлдим. Биласиз, Озарбайжонда ҳам шунга ўхшаш фестивал бор. Уйлайманки, ҳар икки мамлакатда уюштириладиган санъат анжуманлари ўнлаб, юзлаб истеъдод эгаларини кашф этиш, икки томонлама ўрнатилган дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Симара ИМАНОВА,  
Озарбайжон Республикаси халқ артисти.

## АҚШдан ҳам иштирокчилар бор

2018 йил 2, 6, 13 июль кунлари Ўзбек миллий мақом санъати марказида Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги томонидан тузилган саралаш комиссияси аъзолари Шаҳрисабз шаҳрида бўладиган Халқаро мақом санъати анжуманида иштирок этиш истагини билдирган хорижий давлатлар мақом ансамбллари ва яққал хонандаларининг ижод намуналарини кўриб чиқди.

Саралаш комиссияси аъзолари йўналиш давомида форумнинг www.maqomforum.uz сайтига келиб тушган хорижий давлатлар вакиллари томонидан юборилган ижод

намуналари билан танишдилар. Афғонистоннинг “Сафар” гуруҳи, АҚШнинг “Шашмақом академияси” болалар мусиқий жамоаси, Хиндистоннинг “Устад Иқбал” жамоаси, Озар-

байжоннинг Саҳиб Пашшазаде раҳбарлигидаги “Мугам” ансамбли жамоаси, Хитой Халқ Республикасида Гулзира Аблат — яққал ижрочи, Жазирининг “Жазира” мусиқий жамоа-

си, Тожикистондан яққал ижрочи Сирожиддин Жўраев, Хиндистоннинг “Двали” мусиқий жамоаларининг ижод намуналари маъқул, деб топилди.

Хиндистоннинг “Двали” мусиқий жамоаси Янги Дехлида ўз фаолиятини юритмоқда. Мазкур жамоа кўплаб фестивалларда иштирок этиб келади. Жумладан, Хива шаҳрида ўтказилган “Рақс сеҳри” фестивалида ҳам қатнашган. 6 — 10 сентябрь кунлари бўлиб ўтадиган Халқаро мақом санъати анжуманида ҳинд классик мусиқасини ижро этиши кўзда тутилмоқда.

## Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бюролма Г — 945. 76 901 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни кўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



### ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона (0-371) 233-52-55;  
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.



Таҳририятга келган кўлаб маълумотларни тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштиришга ташкилот жавобгар.  
Газета таҳририят компьютер марказида термини ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:  
100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Набатчи муҳаррир — У. Файзиёва.  
Набатчи — З. Ашурова.  
Мусаҳҳих — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:  
“Буюк Турон” кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 21.37 Топширилди — 22.15 1 2 3 4 5 6

Халқ сўзи  
Народное слово

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси